

Дастлабки ва қўшимча тергов ҳаракатлари ҳамда суд муҳокамасини ўтказиш давомида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмаган, мавжуд қарама-қаршиликлар бартараф қилинмаган, юқори суд қароридаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун суд ҳукми ва ажрими бекор қилинган.

Суд ҳукмига кўра, Р. ёнида кўп миқдорда бўлган гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш билан шуғулланишда гумонланиб ушланганида, ёнидан 215,7 гр “героин” гиёҳвандлик моддаси топилганликда айбдор деб топилган.

Кассация босқичи суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан келтирилган протестда Р. га нисбатан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун юбориш сўралган бўлиб, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъати протестни кўриб, қуйидагиларга асосан уни қаноатлантирган.

Суд муҳокамасида холислар У. ва Х. лар далилий ашё тариқасида олинган “героин” гиёҳвандлик моддасини Р. дан олинганлигини кўришмаганлигини, ўлчанмаганлигини, баённома тузилмаганлигини, пакетда нима борлигини кўришмаганлигини, қандайдир ҳужжатларга имзо қўйдиришганлигини кўрсатишган.

Бундан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар Г. ва С.лар кўрсатмаларидаги гиёҳванд воситаларни Р.дан қандай ҳолатда олинганлиги тўғрисидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинмаган, сотиб олмоқчи бўлган шахс С.га нисбатан ҳам ноқонуний тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлиб, оқибатда унга нисбатан жиноят иши ҳаракатдан тугатилган, бу ҳолатлар Олий суд Раёсати қарорида ҳам акс эттирилган, жумладан унда иш ҳолати тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилиши, тўпланган далилларга холисона баҳо берилиши,

наркология экспертизаси ўтказилиши, ЖПК бузилишларини бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш ҳақида кўрсатмалар берилган. Лекин, ишни янгитдан кўрган суд ЖПКнинг 495-моддаси талабига зид равишда бу кўрсатмани бажармасдан, қонунсиз ҳукм чиқарган, ишни кассация тартибида кўрган суд ҳам бу ҳолатларга ўзининг муносабатини билдирмаган.

Судлов ҳайъати ажрими -№03-1065н-01